


тига етиб келди. Митишчинск вагонсозлик заводи-
лар. Иккинчи квартал мобайнида Ленинград ҳамда Ми-
берадилар. Суратларда: Подмосковье — Тошкент рейсини
Ш. Иброхимов фотоси. «УЗТАГ»



Дунё овози

Чем эл хабарлари

парламентдаги сиёсий партияларнинг бошлиқлари Э. Папаиоанну (АКЭЛ) ва В. Лиссаридис (ЭДЭК) билан, Кипр ташқи ишлар министри Н. Христофидис, қаби-
лалар ўртасидаги музоа-
раларда кипрлик греклар то-
монининг вакили Т. Пападо-
пулос билан ва Кипрнинг
бошқа аъзолари билан суҳ-
батдаштирилди.

Делегация аъзолари шунингдек, Европада ҳафсилик ва ҳамкорлик учун кураш ҳаракатида қатнашаётган Кипрдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари билан учрашдилар.

Кипр вакиллар палатаси делегацияси расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга СССР Олий Совети номидан таклиф этилди.

шиналари, транспорт ва энергетика ускуналари, металл қирқувчи станоклар ва ҳисоблаш техникаси тўққиз кун давомида намоиш қилинган.

Аънабана мувофиқ Венгрия, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдуст мамлакатлари ярмарканинг энг катта иштирокчиларидир. Улар ишлаб чиқаришни яхтасослаштириш ва кооперациялаш асосида қўрилгаётган машиналар ва ускуналарнинг замонавий турларини намойиш қилмоқдалар.

В. СЕМЕНОВ.

сатининг чинакам демократик ҳамда ватанпарварлик жиҳатларини излаш давомида. Хукуматнинг ҳозирги сиёсати бир қанча конкрет ҳолларда Португалия халқининг социал иқтисодий соҳаларда курашини қўлга киритган революцион ғалабаларини тугатish билан тахдид қилмоқта

Мамлакат эконоимаси
ни тиклаш йўлини фажа
меҳнаткашларнинг иштиро
ки билан излаб топилди.
мokratик эркинликларни ва
25 апрель революцияси га
лабазлари бўлган ер ислохо
тини, миллионлашяйин
ишчилар назоратини мустақ
камлаш мумкин. Португа
дия Компартияси Марказий
Комитети информация ва
пропаганда бўлимининг
умуммиллий партия конфе
ренциясида тайфгардикли
донр баёнотида шундай дей
таъкидлаб ўтилди.

Э. КОВАЛЕВ.

қарши террор ва репрессияларни янада кучайтириш юбордилар. Чорак миллионга яқин африқалик қамоқхоналаридан мутлақо фарсиз қилмайдиган ва атрофи тиконли симлар билан ўралган «муҳофазат этилувчи кишилоқлар» деб аталувчи жойларга қамаб қўйилган.

Розеяни ирчиқчилари озо-
дик ҳаракатига қарши ку-
рашда Жанубий Африка
Республикаси режими билан
ҳар томонлама бағоят
бўрамаги таянмончалар. Жа-
нубий Африка кўншлар
Розеяни қараси бўйин
жойлаштириб, қотиллар
далда бериб турибди. Пре-
торин Смит билан бирга жа-
воран ҳаракатларини план-
лаштириб, унга «қимматли
маслаҳатлар» бериб
қолмай, шу билан бирга Ро-
зея режимига қечлама
ган ҳарбий ёрдам ҳам бери-
турибди.

гаришлар йўлидан четга чиқиб, қишга мажбур этиш учун уринмоқдалар. Африкада кўп давлатларнинг халқлари ана шундай прогрессив ўзгаришлар йўлидан бормоқдалар.

Ресмиш қўллари ер куй-
расининг турли ҳисмлариди
империалистлик давлатлари
нинг назорати остида ҳар-
бий блоклар тузишга инти-
моқдалар, уларнинг Қизил
денгиз районида прогрессив
таракқиёт йўлига ўтган ма-
ҳаратлари қарши қилмаёт-
ган ҳақларни бунинг ақлоқ ну-
сатиб турибди.

Газета барча эрксев-
халқларини реакциянинг про-
грессив миллий озодлик ҳар-
ракатларининг бошторини
қўзда тутган режаларини
қарши курашда қуч-тайрат-
ларининг бирлаштиришга даъ-
ват этади.

Шарипова, Хури Шарипова, Мадина Шарипова ва Таисий Сайфишариповлар (чапда). Х. Одилова, ва «ЧК-1» пилла тозалаш машинистлари (ўртада).

Улар ҳар қутн пилла ул
дан олиндиғи ҳосилиғи
килограммга етказиғи
астойдил курашмоқда
Хуғалиқда пилла то
рини дэвом этмоқда. «Кумуш
ла» хирмонимизини ба
ли бундиғи «пубхасиз,
колхозчиларимизини
тиғир юбилейга тайёрла
дастлабни муниси сов
булади. **Р. УМАРОВ**

A black and white portrait of a woman, likely a member of the Red Guard, wearing a headscarf and a jacket, looking slightly to the right.

И. Зайниддинов фотоси.

Т. ЗОКИРОВ.

дик. Улар ишга туширилган ҳамма камчиликни тўғри бўлиб кетади» жавоб беради. Бизнинг асосий гап ишни оқил ташкил эта билишда, кадрларни жой-joyига йиби, уларнинг узлуксиз сменаларда ишлашлари ушундай назорат урнатилган.

«Москва» колхозини сув ресурсларидан фойдаланишда кўп чамичилик йўл кўйилмоқда. Бош ном Эгали Абдуллоев таъинланишига кўра хўжалиқ ҳар суткада 775 литрда олмақда. Бу пилда баландлигини қарийб 3 метр ва кўп. Далаларда сувчи ўрнига 50 сувчи олмақда. Натижда бир кунда 50 гектар ўрнига 50 гектар ер сувдан чиқарилади.

мода. Демак, 250 лит
исроф бўлайти. Буни
Тўқтинче бошқар
мисолида ҳам кўриш
кин. Тўғри, бригада с
ларининг маҳоратига
бермай бўлмайдди. Улар
ни эгаларга шундай
лик билан жиддиратиб
ганларки, кўрган киши
хаваси келадди. Ишчи
пухта бўлгани билан, и
чи ёқдан қўп имкони
бой Берилмоқда. Мас
бригадининг 25 гектар

майдоңи сүз таранш
тайёри турниги. Виро
гектариға сүз күйил
холос. Бу иш билал
сувени баяд. Демак, ҳа
сувениға икки гектарда
ётқоқ ери тўғри келм
Кўриниб турибдики, ҳ
шароитда бир суви чи
ерни суғоришга улғуро
лиги аниқ.
Бу йил пойтахт об
қилиққ кўжалик меҳна
лари Улуғ Октябрни
йиллиги шарафига
оширилган социалистик
бўриятлар олишган.

Бир катта ялган бакарди
су йилги шадлоқлар
камчилигини оқидилар
барча экин турдари
вақтида оёя-хўяга қой-
лишга бовлидир.
хўжалиги ва сув хўж-
ходимлари партия таш-
ларининг раҳбарлиги
барча меҳнатқашларини
ти ердажиг талиғин
сув тақисиллига қарши
ка зарур чораларни қў-
лари керак.

Р. ДАДАЖОН
область сугорини
моқлари бошқа
бошлигининг муов
Х. ТУРА
область шадлоқ
мухбири.

А. ИҶДУШ
«Тошкент ҳақиқ-
нинг махсу мухб»
териалини бугун Узбекистон
инини программаси орқали
ўтганида тиллашининг му



ҚУРУВЧИЛАР ДАМ ОЛИШ УЙИ

Чотқол тоғининг серман-зари ёни бағрида, Ангрен шаҳридан ўн километр нарида «Ўзбекшахтострой» трестининг икки кунлик дам олиш уйи жойлашган. Трест маъмурияти ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтлари янада мазмунли ўтиши учун «Айрисой» дам олиш уйини кенгайтириб, бир қатор ишларни амалга оширди. Эндиликда у ерда бир йўла 135 қурувчи дам олиши мумкин.

Бу ерда биноклорларнинг мазмунли хордиқ чиқариши учун барча қулайликлар мўъайе. Кенг ва шинам котежди уйлар, чўмилтиш ҳавзаси, спорт майдончалари улар ахтирида. Спорт ишқибозлари бу ерда футбол, волейбол билан шуғулланишлари, дарё бўйида балнч олашлари, Чотқол тоғига альпинистлик савҳатлар уюштиришлари мумкин. Қурувчилар шанба ва яшанба кунлари «Айрисой»да дам олиб, эртасига янги куч ва янги ғайрат билан ўз меҳнат постларини эгалламоқдалар.

П. ФЕДОРОВ.

МУЗЕЙ ЛЕКТОРЛАРИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг лекторлари томошабинларга жаҳон, рус ва ўзбек тасвирий санъатининг энг яхши намуналарини изиллаш билан пропаганда қилмоқдалар.

Хозирги вақтда ўттиздан олдид музей илмий ходими Тошкент области ва шаҳар «Билим» жамиятининг аъзолари сифатида санъатнинг қадимий ва замонавий турларини тартиб қилишда актив қатнашибилар. Яқинда Л. Бухина, Т. Ўстонов, К. Ткаченко ва Л. Дербишев каби ёш лекторлар ҳам «Билим» жамияти аъзоларига қабул қилиндилар.

М. АХМЕДОВ, музейнинг катта илмий ходими.

МЕДИЦИНА ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Медицина ва санитария-гигиена билимларини аҳоли орасида кенг пропаганда қилишда ҳужжатли фильмлар ҳам муҳим ўрин тутди. Областида шахар ва районларида «Аҳоли сўхат-саломатлиги учун курашайлик!» шiori остида ўтказилганги медицина фильмлари фестивали ҳам бу борада ўзига хос маданий тадбирдир.

Област санитария маорифи уйи области касаба союзида Совети, Қизил яриш ой жамияти, кяно бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган мазкур фестивал биринчи куюндан 19 июнгача давом этади. Унинг якуновчи қисми медицина

ходимлари кунига улашиб кетади. Маданият уйларида, клуб ва кинотеатрларда бу тадбирга пухта ҳозирлик қилиб кўйилди. Ҳар бир фильм олдидан тажрибали шифокорларнинг чиқишлари уюштирилади. Лекция ва сўхбатларнинг тематик пилани ҳам ишлаб чиқилди. Меҳнатчиларини қизиқтирувчи мазуларда ҳам савол-жавоблар бўлади.

Фестивалнинг охири кунини эса саломатлик байрами шоднаеси сифатида ишюналади. Совет медицина ходимлари ҳақида яратилган бадиий фильм намоиши қилинади. Умуман, фестиваль про-

граммасига 40 дан ортиқ турли ҳужжатли фильмлар киритилди. Улар ҳақида маълумот берувчи афишалар ҳам тайерланди ҳамда улар кўп нуҳсада жойларга юборилди.

Узуг Октябр социалистик революциясининг шонли 60 йиллик юбилейига бағишланган «Аҳоли сўхат-саломатлиги учун курашайлик!» медицина фильмлари фестивали области санитария маорифи уйининг гигиена билимларини кенг ёйиш йўлида кўрган навабдаги ахши иши бўлади.

Х. ЗАРИПОВ, области санитария маорифи уйининг методисти.



МУЗИКА МАКТАБИ

50 ЁШДА

ТОШКЕНТДАГИ республика музика мактаб-интернати ташкил топганига ярим аср бўлди. Бу билим

инкумида иш бошлади, 1936 йилга келиб етти йиллик, 1947 йилдан эса ўн йиллик болалар музика мактабига айлантирилди.

Еш истеъдодлар учун чинакам маҳорат даргоҳига айлган мазкур билим ўчоғи атоқли совет композитори, СССР ҳалқ артисти Р. М. Глэрнинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган эди. У бу ерда ўқув-

ИККИ ҲАЗАЛ ТАНБҮР НАВОСИ

Дилга яқин бунча ҳам танбур навоси форум, Оҳанга бўлди малҳам танбур навоси форум. Тинглаб «Наво», «Муножот» узоқ кезар ҳаёлим, Дил эригай бу оқшом, танбур навоси форум. Танбур қилганда нола, ошнқлар кўнгли пора. Ҳар пардада бир олам, танбур навоси форум. Ошнқ сирини сўзлар, дилда борини куйлар. Таҳсида дил ўшал дам, танбур навоси форум. Устоз муганний чалса ҳар торда сеҳру-жоду, Тилга кирар чунон ҳам, танбур навоси форум. Дил кўзгусида ўтмиш, куйларда қолди ёлор, Бахтли замона кўрам, танбур навоси форум. Шукроналар қилурман Мардонин мен Батанинг Зебо чамандир ўлкам, танбур навоси форум.

ДИЛДОР КУЛИБ...

Эй, кўнгли шодсан бугун дилдор кулиб бокдими ё? Иштирининг олиб, иқроор кулиб бокдими ё? Неҳа йил орузида лов-лов ёниб ўтган эдинг, Еригилан гулгул ёниб, бир бор кулиб бокдими ё? Дил тўрида иштирини иштириб тўтиб юрган эдинг, Ҳоли зорининг кўриб, ночор кулиб бокдими ё? Неҳа хил фикру-хаё билан чекар дил натириб, Ери-жонининг айтиниб, агёр кулиб бокдими ё? Йўқ деди кўнглим, вале аҳду-нафоти дилбарим, Оқила таяху ўзи, шунқор кулиб бокдими ё? Набоҳарда иши урар ҳар сазба боғин иштириб, Ёуғча очилтай яна тақорор кулиб бокдими ё? Давр қилди армуғон ёри-ла Мардон бахтир, Шу-ла сабабдан меҳрибон дилдор кулиб бокдими ё?

М. МУҲАММАДҚУЛОВ.

ҲАР ТҒРИДА КАТТА ҲАЗИНА

КАМА бўйидаги Чистополь шаҳрида истиқомат қилувчи Рамил Саматов ҳовли соби олганда, у ердан катта ҳазина топиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Рамил Саматов енг шимариб ҳовлини тартибга келтиришга киришиб кетди. Белкуранин ерга боғириб, тупроқни бир чеккага ташлаётганда ҳақиқий ҳазинага дуч келиб ҳангу-манг бўлиб қолди. У 5 ва 10 сўмлик қийматдаги ўнта олтин тангаларини териб олган, яна белкуранин кўлга олиб, ерин қайлаш бошлади.

Ҳазинада айниқса мис тангалари жуда кўп экан. Уларни куракча билан қайиб олишга тўғри келди. Р. Саматов ҳовлидаги топган ҳазинанинг умумий оғирлиги 40 килограмм тош босди. Рамил ҳазинани шаҳар милиция бўлимига топширди.

ОТ ДУМИДАГИ БҮРИ

«ОМЯКОСКИН» совхоз йилди отларига тез-тез бўйлар таласи ҳужум қилиб туради. Тўдадан ажралган тулпарлар кўпинча ана шу бўйлар таласига ет бўлади. Совхоз чўпони Батор Готовцев «Улан» лабазини тўғри қўйиб, қўйиб, шундай ҳалта берди. Унинг оти йўқолишга ҳам ишнқ кун бўлди. Чўпон ҳовлига чикиб ўзининг ювощи тулпарига кўзи тушганда наҳаши қувонганини билсангиз эди. Отнинг думида, Улан бўри жақсади осилиб ётарди.

Билим ўлкага умид қилган она бўри отнинг ордасидан ташланган, мулжал-нинг тўғри ололмаган. Йиртиқнинг ўткир тишлари отнинг чигаллашиб кетган думини маҳкам тишлаганича қолган. Тўғрининг қаттиқ зарбидан ўзини унглаётган йиртиқчи отнинг думини тишлаганича жон берган.

ДЕНГИЗ ДОРИСИ

Хозирги вақтда бутун дунё олимлари денгизнинг нефти ва нефть маҳсулотларини билан идросланишига қарши ишюнчи восталарини изламоқдалар. Маълумки, нефть денгиз юзасини пленка сингари қоплаб олиб, сувга кислороднинг ўтишига йўл қўймайди, натижада баликлар, қирқоқ бўйлардаги сув ўтлари нобуд бўлади. Агар нефть ташкилдош танкер фалокатга учрагуде бўлса, нефть денгиз юзасини шундай қалинликда қоплаб оладики, у сувда ёниб кетиб, ёрдамга шўшайётган кемаларга ҳавф тўғдириши мумкин.

Польшалик инженер Адам Стафяр жинда денгиз юзасидан нефти ҳайдаш имконини йўлга қўйди. Бу усулга кўра сувдаги нефть денгизга сомонданган диатомит минерали томонидан ютиб юборилди. Польшада эса бундай минерал запаслари жуда кўпдир.

ҚҮЛБОЛА ЛОЧИН

Канаданин Банкувер халқаро аэропортида қанотларнинг шакли ва ранги билан лочини эслатувчи автомобилни ўчратиб «мумкин. Радио орқали бошқариладиган бу қўлбола лочин осмондан самолётларга дуч келиб қўлиб, баъзан фалокатга сабаб бўладиган қўшларнинг аэродром атрофида келтирмайди. Дастлабки тажрибалап янги самара берди. Аммо, хозирдаёқ қўшлар қўлбола лочини кўниқиб қолмаслигини, деган савол ҳам туғилмоқда.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА Эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълим давлат комитети

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ

ВАЗАСИДАГИ

128-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—78 ўқув йили учун

КУНИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУИНЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТРАМВАЙ ВАГОНЛАРИНИНГ ҲАЙДОВЧИСИ, ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИСИ. Ўқиш муддати — 6 ой. МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқишга — 8-10-синф ҲАЖМИДА МАЎЛУМОТЛИ 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ТОШКЕНТЛИК ИЯГТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар ҳар ойда 60 сўм стипендия оладилар ҳамда шаҳар электротранспортдан бепул фойдаланадилар. КОНТАКТИ ВА КАБЕЛЬ ТАРМОКЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРО МОНТЕРИ. Ўқиш муддати — 1 йил. 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

ҲАРАКАТДАГИ ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАР СОСТАВЛАРИНИНГ СПЕСАРЬ-РЕМОНТЧИЛАРИ, ҲАРАКАТДАГИ ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАР СОСТАВЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИНИ ТУЗАТИШ БУИНЧА ЭЛЕКТРОСПЕСАРЬ. Ўқиш муддати — 1—2 йил. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. МЕТАЛЛ БУИНЧА ТОКАРЬ. 8-10-синф ҲАЖМИДА МАЎЛУМОТЛИ 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА — контакти ва кабель тармоқларининг электромонтерлари, ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар составларининг слесарь-ремонтчилари, ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслари составларининг электр ускуналарини тузатиш бўйича слесарь, металл бўйича токарь мутахассисилари бўйича кирган йигит ва қизлар кўнига 3 маҳал бепул овнат, кийим-бош, ишлаб чиқариш пратиксини давирдаги иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар ва трамвай троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА КЕЧКИ МАКТАБ ИШЛАЙДИ.

Кирувчилар кўнидаги ҳужжатларини топширадилар: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, соғлиги тўғрисидаги справка (форма билим юрти томонидан берилди), 3х4 см. катталикдаги 4 та фотосурат, турар жойидан справка, характеристика, тарихий-маи ҳоли, ҳарбий билет ёки ҳарбий руҳхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: 700125, Тошкент шаҳри, «Високосольный» массиви, Красновосточная кўчаси, 43 «а»-уй (13, 22-трамвайлар, 17, 69, 41, 71-автобуслар, 18-троллейбус билан бориш мумкин).

Телевидение

МАРКАЗИИ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиланлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Моҳир кўшлар. 11.00 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 12.30 — Концерт. 12.55 — Алабий ушнқ. 13.35 — Зорювье. 14.20 — Музикали абонемент. 14.55 — Спортлото. 15.05 — Оловудиннинг сеҳри чирғи (бадиий фильм). 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.50 — Мультифильм. 18.00 — Музыкантлар-музыказалар. 19.00 — Янгиланлар. 19.15 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловини Ю. А. Жуковнинг шаҳаро мавзюлардаги сўхбати. 20.00 — Цирк майдонига. 20.55 — Узингдан сура (бадиий фильм 1-серия). 22.00 — «Вант». 22.30 — Узингдан сура (бадиий фильм, 2-серия). 23.35 — Марк Фрадин кўшларини. 00.20 — Жаҳон велосипед пойгаси. 00.45 — Янгиланлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиланлар. 10.20 — «Доира рақсга қорлайди». 11.00 — Мультифильм. 11.20 — Ўзбек совет шеърининг телеантологияси. Усмон Носир. 11.40 — Ота-оналар учун консултация. 12.10 — Осмонни забт этганлар (бадиий фильм). 14.10 — Спорт нўрсатуви. 14.40 — Кино нўрсатуви ҳаёт. 18.05 — Воллар учун фильм. 18.25 — Шоирлар бошларга. 18.55 — «Ешлик». 19.15 — Ота-оналар университет. 19.45 — Аҳборот. 20.00 — «Театр ўчирувчилари». Ҳамза ноили Ўзбек давлат академик драма театрининг Москвадаги гастролини янгуларига доир. 21.00 — Аҳборот. 21.20 — Кўйланг. 21.50 — Поммунистлар ҳақида ҳикоялар. 22.00 — «Вант». 22.30 — Галла — пиза-руннмиз. 22.45 — Инсонини ардоқланг (бадиий фильм, 1-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.40 — Душанба нўрсатуви. 22 май

МАРКАЗИИ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиланлар. 10.10 — Зарядкага сафланг. 10.30 — Будилизм. 11.00 — Совет Иттифонига хизмат қилмади. 12.00 — Кувонқ ноталар. 12.15 — Орлеон. 13.00 — Музикали кино. 13.30 — Қиш лоқ янгиланлари. 14.30 — Ҳужжатли фильмлар. 15.00 — Концерт. 15.15 — Ҳужжат аъзои (бадиий фильм). 17.10 — Ок.

коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Эълонлар — 338142.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ВЕЛОПОЙГА

Велосипедчилар XXX жаҳон пойгасининг навабдаги ўн биринчи босқичида Владимир Осокин маррага биринчи бўлиб келди. У оралиқ масофаларида ҳам икки марта голиб чиқди. СССР терма командаси велосипедчиларини умумкоманда ҳисобида ҳам пешадамлиқ қилишмоқда.

А. Пиккус бундай йирки мусобақаларда учинчи марта иштирок этмоқда. У 1975 йили Шуровский ва Хертикллардан сўнг учинчи ўринни олиб, бронза медалини кўлга киритган эди. Бу сафар чемпионликка асосий даявогар бўлиб турибди. Иккинчи ўринда ҳам совет пойгачиси В. Осокин бормоқда.

Унбир босқичда сўнг СССР командаси биринчи ГДР вакиллари иккинчи, Чехословакия командаси учинчи ўринни эгаллаб турибди.

ШАХМАТ

Лас-Пальмасда ўтказилган халқаро шахмат турнирида жаҳон чемпиони Анатолий Карпов пешадамлиқ қилимоқда. У навабдаги турда В. Ларсен билан учрашиб, ўйинни дўранг қилди. Жаҳон чемпиони 9 турдан сўнг 8 очко тўплад. Собиқ жаҳон чемпиони М. Таль ва Ян Тимман (Голландия)лар 6,5 тадан очкога эга.

СУВ ПОЛОСИ

Жданов шаҳрида ветерончиларнинг чемпионати ўйинлари давом этмоқда. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси навабдаги турда Тбилисининг «Динамо» ветерончилари билан учрашиб муҳим галабага эришди. Ҳисоб 3:7. Бу ўйиндан сўнг 21 очко тўплаган тошкентлик спортчилар қолган ўйин натижаларидан қатъи назар кўчи олтиликка киришди ва кўзда мамлакат чемпионини унвоин учун беллашув ҳуқуқини олишди. 39 очко тўплаган Москва давлат университетини ветерончилари чемпионатда пешадамлиқ қилишмоқда. Ҳарбий Денгиз флоты Марказий спорт

клуби командаси 38 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Бокунинг Қизил байроқли Каспий флотилияси командаси, Олмаота ва Киев динамочилари ҳам финал олтиликка киришди.

ФУТБОЛ

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лигаси қатнашчилари навабдаги тур ўйинларини ўтказишди. Бу турда республикакиз командалари ўзаро куч синашдилар. Гулистоннинг «Пахтачи» командасини 2:1 ҳисобида маглубиятга учратган «Янгир» турини жадалда «Ўқанда» футболчилари билан 10 тадан очко тўплаб, пешадам бўлиб олди. Тожик футболчилари бу турда Фарғонанин «Нефтяник» коллективини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устун келдилар. Самарқанднинг «Динамо» футболчилари билан «Зарфашон» ўртасидаги ўйин 1:1, «Амударё» ва «Хоразм» матчи 0:0 ҳисобида тугади. Термизнинг «Автомобилист» волейболчилари Фрунзеда «Олега» 0:3 ҳисобида ўтказишди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Ўзбекистон Давлат физкультура институтини спортчилари Винницада Совет Иттифоқи Қаҳрамони, аjoyиб партизан Л. Ратушина хотира-сарзини учун ўтказилган Бутуниттифок мусобақаларида иштирок этишди. Бунда мамлакатнинг 24 олий ўқув юрти командалари қатнашди. Тошкентлик қизлар ҳам, йигитлар ҳам жуда яхши натижаларга эришдилар. Команда капитани Татьяна Бирюлина бошқил қизлар умумкоманда ҳисобида голиб келиб, кўбоқ эгаси бўлишди. Т. Бирюлинанинги ўзи наъзани 36 метр 28 сантиметрга улоқтириб, биринчи ўринни эгаллади ва СССР спорт мастери нормативини бажарди. Тошкентлик спортчилардан С. Семенова, Г. Хабибуллина, В. Критинилар ҳам совринли ўринларни эгаллашди. Узоқликка сакрашда эса М. Бессмертний 7 метр 26 сантиметр натижа билан биринчи ўринни олди.

УЗОҚ УМР КЎРГАНЛАР

БИЛАСИЗМИ?

1964 йилда Суматра оролида 194 ёшга кирган индонезиялик деҳқон вафот этди. Унинг ҳоҳиши 120 ёшда эди. Деҳқоннинг 10 ўғли ва 300 дан зиёд набиралари, эвара-чеваралари унинг қабрини эйрат қилиб туришди.

ЭРКАКЛАР орасида энг узоқ умр кўрган киши инглиз Томас Карн бўлиб, у 207 йил умр кўриб, Лондонда вафот этган.

XVII АСРДА Францияда яшаган 143 ёшли бобо, 113 ёшли ота ва унинг 80 яшар ўғли ҳақида маълумот бизгача етиб келган. Шунинг ҳам қўшимча қилиш лозимки, француз Пьер Дефорнель уч асрда туғилган фарзандлар отасидир. У биринчи ўғлини 1699 йилда, иккинчиси-

ни 1738 йилда, учинчисини 1801 йилда кўрган.

АБЛАР орасида узоқ умр кўрганлардан биринчиси боливиялик Макарантзо бўлиб, у 1965 йилда 208 ёшга тулган. Остегини Тебзе Абзиева эса 180 йил умр кўрган.

ВЕНГРИЯЛИК эр-хотин Янош ва Сарра 147 йил биргаликда ҳаёт кечиришиб Янош 172 ёшлида, Сарра эса 164 ёшда 116 га тулган йилларини етим қолдириб оламдан ўтишган.

ОЗАРБАЙЖОНЛИК чўпон Майид Огаев 120 йил пода бориб, сўнг пенсияга чиққан 143 ёшга тулган чўпоннинг оиласи 151 кичиндан иборат. У ҳеч қачон

вино ичмаган, тўштин кам тановул қилиб, кўпроқ сут ва кўнатура ёттибор беради. Аммо у ўзлари етиштирган тамакини чекади. Ашаддий кашанда.

XVIII АСРДА яшаган француз аёли Ля Поль Фьет 90 ёшда фарзанд кўрган.

МАШХҲУР физик Исаак Ньютон ҳам узоқ умр кўрганлардан. У дунёга келганда отаси қаҳдан кўза юган эди. Ньютон жуда заиф туғилгани учун унинг яшашидан ҳеч ним умидвор бўлмаган.

У 18 ёшида ўзи билан ёнма-ён ўсган мис Сторейни севиб қолади, аммо маблаг етарли бўлмаганидан унга уйлана олмайд. Шу тариқа у умрбод бўйдоқ ўтади. Исаак Ньютон ҳақида катта шухратга эришиб 85 ёшида вафот этган.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкент обкома КП Ўзбекистана в областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР